палатаси
Гос. ви
23 ФЕВ 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 44 (18.521). • Сешанба, 1983 йил 22 февраль • Баҳоси 3 тийин.

СССР ЗАРБДОР ВАХТАДА

ОНГЛИ ИНТИЗОМНИ ТАРБИЯЛАШДА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ, МЕҲНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТ ҲАРАКАТИНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВЕТЕРАНЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИДАН, ИШЧИЛАРНИНГ ИИҒИЛИШЛАРИДАН, МУРАББИЙЧИЛИКДАН ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛАНИШ ЖУДА МУҲИМДИР.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қароридан).

Ишчи минбари

ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

Заводимизда интизомни бузувчилар, прогулчилар, ишдан кетмоқчи бўлган кишилар билан суҳбат ўтказадиган махсус комиссия бор. Завод директори Азамат Юнусов комиссияга раис. Партком секретари, завод касаба союз комитетининг раиси, комсомол ташкилотининг секретари, цех бошлиқлари, мастерлар комиссия аъзоларидир. Ҳафтада бир марта — ҳар жума куни комиссия йиғилиши бўлади. Унда бир ҳафта давомида интизомни бузган, прогул қилган, заводдан кетиш ҳақида ариза берган кишилар билан ошкора гаплашиб олинади.

Бундай суҳбатнинг тарбиявий аҳамияти катта. 1982 йилда корхонадан кетмоқчи бўлиб ариза берган 33 ишчи комиссия суҳбатидан кейин заводда қолиб, яхши ишлай бошлади. Амир Хисматуллин ишдан кетиш ҳақида ариза берган эди. У илғор ишчи. Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажараман, деган ташаббускорлардан бири. Шундай таниқли ишчининг заводдан кетмоқчи бўлиши комиссия аъзоларини ҳайрон қилиб қўйди. Нима гап ўзи?

Суҳбатда шу нарса аён бўлдики, Хисматуллин квартирадан қийналган экан. Заводда уй-жой қуриш учун маблағ йўқ. Етоқхонада асосан онла қурмаган ёш ишчилар туришади. Андижон шаҳар ижроия комитети нимагадир корхонамиз коллективига битта ҳам квартира бермайди. Шундай илғор ишчи билан хайрлашиш оғир эди.

— Бир оз сабр қилинг, — дейишди комиссия аъзолари, — шаҳар ижрокомидан илтимос қиламиз. Квартира берса, сизники бўлади.

Хисматуллин аҳволи тушунди, сафимизда қолди. Ҳозир ҳам илгаригидек яхши ишлаяпти. Лекин квартира масаласи ҳали ҳал бўлгани йўқ.

Мен бу мисолни бекорга айтмадим. Корхонамизда рўй бераётган қунимсизликка квартира муаммоси ҳам сабаб бўляпти. Шундай экан, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

Москваликларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш ҳаракатини авж олдириш тўғрисидаги ташаббуси корхонамизда қизғин қўллаб-қувватланди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида қилинган ишлар яхши самаралар берди. Корхонамизда кунлик нормани бажармайдиган бирорта ишчи йўқ. Областимизнинг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари ўн биринчи беш йилликда ўн бир йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Улар орасида мен ҳам борман. Корхонамизда бу ташаббусга ўн бир ишчи қўшилган. Ташаббускорлар номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Людмила Грязева, Абдулҳай Собитов, Аҳмаджон Содиқов, Араббой Хўжаев, Амир Хисматуллин, Марат Явушев, Деҳқонбой Тожибоев, Ботир Тойдоқов, Қосимжон Қодиров ва бошқалар 1983 йилнинг охири, 1984 йилнинг январь ойи ҳисобига ишлай бошладилар. Мен ҳам ўз меҳнат календаримда 1984 йил май ойи ҳисобини очдим. Завод бўйича 37 ишчи беш йиллик планни тўрт йилда, 24 ишчи тўрт йиллик планни уч йилда бажаришга сўз берди.

Мен шу кунларда 3 ўрнига 6 гидропрессда ишлаяпман. Ҳар сменада 600 та автомат включатель детали тайёрлашим керак. Амалда эса 1200 тага етяпти. Кунлик топшириқни 200 процентдан бажараман. Изимимдаги 6 дастгоҳ бенуқсон ишлаб турибди. Бунинг учун уларга ўз вақтида қараб, мойлаб, керак бўлса созлаб тураман. Ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, мосламаларни қулай ҳолатга келтириш каби талаблар кундалик одатга айланиб қолган.

Шахсий мажбуриятимда ўнлаб шогирд тайёрлашга сўз бергамман. Ўтган йили тўртта ёш ишчига пресслаш технологиясини ўргатдим. Улар ҳозир мустақил ишламоқдалар. Яна шуни қувонч билан маълум қиламанки, сменамизга назоратсиз ишлаш ҳуқуқи берилган. Негаки, биз ишлаб чиқарган маҳсулот биринчи тақдимдаёқ қабул қилинмоқда.

Завод бўйича олганда ҳам ютуқларимиз чакки эмас. Ўтган беш йилликда завода ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравар ортган эди. 1982 йилда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 1981 йилга нисбатан 12,5 процент ўсди. Маҳсулот реализация қилиш плани ошириб бажарилди.

Коллективимиз тайёрлаётган электр жиҳозлар халқ хўжалигини электрлаштиришда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Заводимиз тамғаси қўйилган маҳсулотлар мамлакатимизнинг деярли барча шаҳарларига жўнатилмоқда. Ўтган йили БАМ, Қарши дашти қурилишларига кўплаб электр шкафлари, автомат ўчиргичлар ва рубильниклар етказиб бердик. Бундан ташқари 20 та чет мамлакатга маҳсулот экспорт қиляпмиз. ГДР, Куба, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда маҳсулотимиз харидоргир.

Маҳсулотимизга бўлган талабнинг муттасил ортиб бориши сифат учун курашни кучайтиришни тақозо этмоқда. Завод бўйича давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 24,5 процентни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, 16 хил маҳсулотдан 5 хили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини, интизомни кўтаришга ёрдам беради. Зеро, қўним бор жойда унум бор.

Кимсанбой ТОШМАТОВ,
Андижондаги электр аппаратлари заводининг пресловчиси, иккинчи ва учинчи даража «Меҳнат шуҳрати» орденлари кавалери.

Ю. В. АНДРОПОВ К. ШЕЙСОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

21 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов расмий визит билан Москвага келган Франция ташқи алоқалар министри К. Шейсонни Кремлда қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Икки томонлама Совет—Франция муносабатларига оид масалалар ва бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар иккала томон СССР билан Франция ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжуд эканлигига комил ишонч билдирди. Халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифасига, шу жумладан ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини тенглик асосида қисқартириш юзасидан Совет Иттифоқининг таклифларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий яхши муносабатлар руҳида СССР билан Франция ўртасида сиёсий алоқалар ва мулоқотни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

К. Шейсон Франция президенти Ф. Миттераннинг шахсий мактубини Ю. В. Андроповга топширди.

Учрашувда шунингдек: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССРнинг Францияда элчиси Ю. М. Воронцов; Франция томонидан — Франциянинг СССРдаги элчиси К. Арно, Франция ташқи алоқалар министрлиги сиёсий департаментининг директори Ж. Андреани қатнашдилар.

(ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов Греция ҳукуматининг таклифига биноан 21 февралда расмий визит билан Москвадан Афинага жўнаб кетди.

Внуково аэродромида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Афина аэропортида Н. А. Тихоновни Греция Республикасининг Бош министри А. Папандреу, парламент раиси И. Алеврас, ташқи ишлар министри И. Хараламбопулос кутиб олдилар.

(ТАСС).

ФРЕЛИМО ПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ, МОЗАМБИК ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАРШАЛ САМОРА МОЙЗЕС МАШЕЛНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикаси президенти, маршал Самора Мойзес Машел шу йил март ойининг бошларида дўстона амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Франция ташқи алоқалар министри К. Шейсон 21 февралда Москвадан жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди.

Аэродромда К. Шейсонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикасининг Кобул, Парвон ва Каписа вилоятлари намояндаларининг катта бир группаси Ўзбекистон хаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдилар, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Афғонистонлик меҳмонлар республика областлари бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

21 февраль куни Тошкент шаҳрининг икки минг йиллигига ҳозирлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Бу юбилей шу йил сентябрь ойида нишонланади.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаровнинг шаҳар қурилиши бош плани қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги, шаҳар партия комитети иккинчи секретари К. П. Дулининг Тошкент юбилейигача фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган объектлар қурилишининг бориши ҳақидаги, Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси В. О. Козимов ўтиб бўлажак юбилейга шаҳар қандай ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисидаги докладлари тингланди.

Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси З. И. Есенбоев, Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитетининг раиси А. А. Абдуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ў. И. Усмонов, Ўзбекистон Театр жамияти президиуми раисининг ўринбосари Р. М. Қориев, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг секретари Н. М. Қўзибоев, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг секретари М. Тожиев, Тошкентнинг бош архитектори С. Р. Одилов Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Тошкент меҳнаткашлари кўп миллатли ягона оила бўлиб, ўз шаҳарлари юбилейини КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида белгиланган коммунистик бунёдкорлик илғор рекордларини амалга оширишда янги зафарлар, муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Пойтахт меҳнат коллективларининг қўпчилиги Тошкент юбилейигача беш йиллик учинчи йили планларини бажаришга сўз берган бўлиб, улар кун сайин ишни яхшилашга интилмоқдалар, ички резервларни сабот билан қидириб топиб ишга солмоқдалар, партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдалар.

Ҳақли равишда дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аталаётган Ўзбекистоннинг қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахти кўз ўнгимизда кўркамлашиб яшариб бормоқда. Кўп қаватли гўзал уйлар кўкка бўй чўзиб турибди. Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, унинг боғлари ва хиёбонлари кўзни қувонтирмоқда. Буларнинг ҳаммаси кўпланкўп меҳнаткашларнинг бирғаликдаги куч-ғайратлари, улар қилган ишларнинг самарасидир. Тошкент ҳозирги замон шаҳар қурилишининг барча талабларига мос бўлиб тушадиган, истиқболни назарда тутаётган ва ўртага қўйилган мақсадга — республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби шаҳрига айлантириш мақсадига эришиш учун шарт-шароитларни таъминлайдиган бош план асосида реконструкция қилинмоқда ва қурилмоқда.

Аммо мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Тошкент юбилейига ҳозирлик кўришда ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар, проблемалар мавжудки, буларга шошилинч равишда эътиборни жалб қилиш зарур. Белгиланган барча ташкилий ва идеологик тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак. Республика пойтахтининг архитектура киёфасини муттасил яхшилаш, бунда мамлакатимиз барча қардош халқларининг меъморчилик маданиятидаги энг яхши ютуқлардан фойдаланиш лозим. Прогрессив қурилиш ва пардозлаш материалларидан дадилроқ ва кенгроқ фойдаланиш, уй-жойларни, маъмурий биноларни ва архитектура ансамбларини барпо этиш сифатини тинимсиз яхшилаш зарур. Шундай қуриш керакки, улар бугунги кунда кўркам ва мустаҳкам бўлибгина қолмай, ўн йиллар ва асрлар оша ҳам ҳудди шундай бўлиб қолаверсин.

Тошкентнинг икки минг йиллигига кўрилаётган бутун тайёргарлик, унинг ташкилий ва бошқа тадбирлари идеология ишлари билан, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан қолт чамбарчас қўшиб олиб борилиши лозим.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ташкилот комитети ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова Л. Н. Мелкумов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНИ ХОТИРАСИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги чехословак халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик туғилган кунининг 80 йиллигини кенг нишонламоқда. Тошкент жамоатчилиги ва ижодий союзлари вакилларининг 21 февраль куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу санага бағишланди. Йиғилишда «Творба» ҳафталик газетасининг бош редактори Ярослав Коржейнек бошчилигидаги ЧССР журналистлари делегацияси иштирок этди. «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев доклад қилди.

Сўзга чиққан кишилар Юлиус Фучик ёркин истиқбол йўлида кўрсатган қаҳрамонона жасорати тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари фашизмга қарши курашган қаҳрамон хотирасини муқаддас билиб эзъозламоқдалар. Унинг асарларида Ўзбекистонда социализм қурилишига катта ўрин берилган.

Фучикнинг «Дор остидаги сўз» машҳур китоби бугунги кунда ҳам миллионлаб китобхонларнинг империалистик реакция кирдикорларига қарши, планетада тинчлик учун муросасиз кураш олиб боришга даъват этиб, улар қалбида акс садо бермоқда. Ю. Фучик ҳаётини бағишлаган ёркин идеаллар Чехословакия коммунистлари, барча меҳнаткашлари томонидан амалга оширилганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилиш аҳли социализм қурилишида қардош чехословак халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИККА ЗАРБДОР МЕҲНАТ

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ, БАЛИҚЧИ РАЙОНИДАГИ КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларига амал қила бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган хўжалик меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. 5870 тонна пахта сотилди, ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнерга етказилди. Бу эса пландаги кўрсаткичдан 2 центнер кўп. Озиқ-овқат программасини амалга оширишда катта ишлар қилинди. Колхоз чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш ва тайёрлаш планларини ошириб адо этди.

Хўжалик меҳнаткашлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга ҳамда кўпайтиришга интилиб, ўзларининг куч-ғайратларини бутун хўжалик фаолиятини яхшилашга, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратмоқдалар ва 1983 йил учун қўйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Ялпи пахта ҳосили 6650 тоннага етказилади. Ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 5 центнер оширилади. Ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортга топширилади. Етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан териб олинади. Пахта тайёрлаш плани октябрь ойининг ўрталаригача бажарилади.

1983 йилда гўшт ва тухум етиштириш ўтган йилга нисбатан 20 процент ва сут етиштириш 15 процент кўпайтирилади. Ҳар юз бош сигирдан 95 та бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 117 та қўзи олинади. Гўштга топширилади-ган ҳар бош қорамолнинг вазни 450 килограммга етказилади.

Жами 5 миллион сўм фойда, шу жумладан пахтачиликдан 4,2 миллион сўм даромад олинади. Меҳнат унумдорлиги 9 процент, колхозчиларнинг маоши 5 процент оширилади.

Ҳамма ишлар «Ҳар бир дала, ҳар бир фермада юқори ҳосилдорлик учун, маҳсулотнинг аъло сифати учун курашамиз» деган шиор остида амалга оширилади. Деҳқончилик маданиятини янада ошириш йўли билан колхозда самарадорлик ва сифатнинг ўсишига эришилади.

Социалистик мажбуриятлар колхозчиларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган.

Факт ва шарҳ

ЖОН РОҲАТИ МАШИНА

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ КОНВЕЙЕРИДАН 50.000-ТЕРИМ АГРЕГАТИ ТУШДИ

«Ташсельмаш» заводида теримм агрегатларини тайёрлаш сифати тобора яхшиланиб, унинг пахтакорларбоп турларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Куни кеча корхона конвейеридан 50000-пахта териш машинаси тушди. Корхона хаётида катта воқеа бўлган ана шу янгиликни завод йигувчилар бригадасининг бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати Юрий Степаненко қуйидагича шарҳлайди:

— Пахтачилик тараққий этган сари унинг моддий-техника базаси ҳам тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Кейинги йилларда заводимизда тайёрлаб чиқарилган терим машиналари пахтакорларнинг меҳнатини шунчалик енгиллаштирдики, дала меҳнаткашлари бизнинг машиналаримизга катта умид боғлаб қолганликларининг ўзи шундан далолат беради.

Машиналар ёрдамида териб олинаётган пахта салмоги йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бундай машиналарни ишлаб чиқарадиган ягона корхона — бизнинг заводимиз тамғаси босилган машиналар эндиликда мамлакатимиздаги ва жаҳондаги пахтакорлар даврасида ардоқли. Ўн беш йил муқаддам пахта далаларида «Ташсельмаш» заводида тайёрланган машиналар жавлон ура бошлаганди. Мана, бугун терим машиналарининг юбилей нусхаси — 50000-пахта териш агрегати ҳам йигув конвейеридан тушди. Ишчилар ва конструкторлар ижодий меҳнатининг маҳсули бўлган бу машина, пахтакорларнинг тили билан айтганда, жон роҳати бўлиб қолди. Тўрт қаторли бу терим агрегатининг унумдорлиги аввалгиларига қараганда икки хисса юқори.

«ХНП-1,8» маркали машина-терим агрегатлари орасида энг такомиллашгани. Унинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Бу терим машинаси пахтани пневматик усулда йиғиштириб олади, тозалагич қурилмаси ҳам бор. Унинг бункердаги пахтани эчлаш қурилмаси ишига мутахассислар юқори баҳо бермоқдалар.

Тошкент машинасозлари бу йил «ХНП-1,8» терим машиналаридан камида ўн мингта тайёрлаб чиқарадилар. Бу, унларнинг пахтачиликни тараққий эттиришга қўшаётган амалий ҳиссаларидир. Машинамизнинг юбилей нусхаси ишлаб чиқарилиши муносабати билан агрегатлар тайёрлашда намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган илғор ишчилар номларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Валерий Перфирьев, Холмурод Хўжаев ўртоқлар бошлиқ слесарлар бригадаларининг аъзолари йигув цехи ишини бир меъёрда ташкил этишга катта хисса қўшмоқдалар. Ёдгор Хабибуллин, Айтон Ким, Нафас Ермонов, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Музаффар Аброрхўжаев бригадалари ҳам пахтачиликни механизациялаш учун кураш мусобақасида олдинги сафларда бормоқдалар.

«Оқ олтин» хирмонимизни эртароқ барпо этишда катта мадад кўрсатадиган терим машиналари ишлаб чиқаришни жадаллаштираверамиз, — Тошкент машинасозларининг бугунги аҳди ана шундай.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

ЖОНЛИ, ИЖОДИЙ ИШ

Ленин район партия комитети ташкилий-партиявий бўлимининг инструктори Муҳаммаджон Иноғомов эрталаб тўплатўғри «Главташкентстрой»»нинг 8-трестига йўл олди. У кеча саноат бўлимида бу коллектив ишига доир материаллар билан танишган, инструкторлар билан суҳбатлашган эди. Трест уй-жой бинолари қуриш планини кўпинча бажармайди, сифат ва тежамкорлик кўрсаткичлари паст. Бу фактлар партия ташкилотининг ташкилий-партиявий ишларни сусайтириб юборганлигидан, бинокорларни планларни муваффақиятли ҳал этишга тўла сафарбар эта олмаётганлигидан далолат берарди.

Иноғомов партком секретарини, раҳбарларни райкомга чақириб, қолоқлик сабабларини муҳокама қилса ҳам бўлар эди. Бироқ, у ўз тажрибасидан «кабинетдаги мулоқотлар» партия ташкилотлари фаолиятида туб бурилиш ясай олмаслигини яхши билади. Шунинг учун у доимо бирон хулосага келишдан олдин партия ташкилоти, коллектив ҳаёти билан бевосита танишишга, коммунистлар билан суҳбатлашишга интилади.

Трестдаги аҳвол инструктор ўйлагандан ҳам жиддий бўлиб чиқди. Асосий сабаблардан бири партия комитети, халқ контроли группаси ҳамда бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни сусайтириб юборганлиги билан боғлиқ эди. Натижада коллективда меҳнат интизоми бўшашган, материаллар ва иш соатлари беҳуда соврилар, илғор тажрибаларни жорий қилиш назардан четда қолган эди. Қизиғи шундаки, худди шу масалалар партия йиғилишларида, комитет мажлисларида кам кўрилган экан...

Иноғомов ярим иш кунини трестда ўтказди. Партком фаолияти билан тобора чуқур танишган сари бу масалаларни шу ерда ҳал қилиб бўлмаслигига иқрор бўла борди. Бўлим мудири В. Чекмарев билан маслаҳатлашгач, партком секретари, халқ контроли группаси ранси, трестнинг илғор коммунистлари билан бирга район халқ контроли комитетининг раиси фойдамга таклиф этилди. Принципиал, ошкора, танқидий руҳда ўтган суҳбатдан кейин конкрет чора-тадбирлар белгиланди. Шундан буён орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, трест фаолияти жонланиб, меҳнат кўрсаткичлари анча кўтарилди.

— Масала шу билан чекланиб қолмайди, — дейди М. Иноғомов. — Ҳозир ҳам трест партия ташкилотидаги ишлар бўлимимиз назоратида турибди. Яқинда райком бюросида шу партия ташкилоти маъмурият фаолиятини контроль қилувчи комиссиясининг иши муҳокама қилинади. Ана шунда биз коммунистлар амалга оширган ишларга яна бир бор реал баҳо берамиз. Орадан бир йил ўтгач эса, худди шу масала бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши яна райком бюросида таҳлил қилинади.

Бундан инструктор Иноғомовнинг иш фаолияти партия ташкилотларига фақат камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беришдан иборат экан, деб ўйламаслик керак, албатта. У илғор иш усули ва услубларини кенг ёйиш учун ҳам ана шундай жонкуярлик кўрсатади. Яқинда унинг ташаббуси билан эксперименталь ишлаб чиқариш автокорхонаси партия ташкилотининг КПСС сафига қабул қилиш соҳасидаги иш тажрибаси кенг ўрганилди, район партия ташкилотларида оммалаштирилди.

Бўлимда Иноғомов билан бирга яна 3 инструктор ишлайди. Уларнинг ҳар бирига район халқ хўжалигининг маълум соҳалари бўлиб берилган. В. Андросов оғир саноат, С. Содиқова енгил саноат, медицина муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари, М. Иноғомов қурилиш, транспорт, алоқа, Б. Тўлаганов энергетика, савдо, умумий овқатланиш корхоналари партия ташкилотлари билан шуғулланишади. Табиийки, инструкторлар ўзлари машғул соҳалар бўйича атрофлича билимга ва иш тажрибасига эга.

— Районимизда 300 та бошланғич партия ташкилоти бор, — дейди В. Чекмарев. — Уларнинг кўп қиррали фаолиятига раҳбарлик қилиш осон эмас, албатта. Биз шу боис партиявий ишнинг турли усул ва услубларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Буни бўлим инструкторларининг партия ташкилотларига мунтазам бориб, иш фаолияти билан танишиб боришларида, райком бюросига масалалар тайёрлашдаги ташаббускорликларида яққол кўриш мумкин. Бу тадбирлар партиявий ишнинг турли қирраларини қамраб олаётганлиги, уларда масалалар конкрет ва принципиал қўйилаётганлиги билан характерланади. Кейинги ойларда бўлим томонидан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги партия ташкилотларида қарорлар ижросини назорат қилиш, «Узавтотрест» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, район ошхоналар трестида партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш сингари масалалар юзасидан партком-ларнинг ишлари текширилиб, райком бюросида муҳокама қилиниди. Бу масалаларнинг ҳаммаси ҳозирги пайтда бўлим назорати остида турибди.

— Биз мана шу масалалар билан шуғулланаётганда, — дейди В. Чекмарев, — фаолиятимиз райкомнинг бошқа бўлимлари иши билан параллел бўлиб қолмаслигига интиламиз. Кўпинча бошланғич партия ташкилотларининг ҳаёти райком томонидан тузиладиган комиссиялар томонидан комплекс текширилади. Тажриба бунинг самараси катта бўлаётганлигини кўрсатаётир.

Бўлим, шунингдек вақти-вақти билан семинар ва давра столи атрофида суҳбатлар ўтказиб туришга ҳам катта эътибор бераётир. Энг кейинги семинарлардан бирида цех партия ташкилоти секретарлари ва партия группаси ташкилотларидан 700 киши қатнашди. Унда ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилган таклифлар, танқидий мулоҳазалар юзасидан белгиланган тадбирларнинг ижроси борасида тўпланган тажрибалар умумлаштирилди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, маҳаллий комитетлар раислари, комсомол комитетлари секретарлари ва ишлаб чиқариш илғорлари иштирокида бригада пудратини жорий этиш бўйича ўтказилган давра столи атрофидаги суҳбат эса, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Ленин район партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг фаолияти кўп қиррали. Улар амалга ошираётган ишларнинг ҳаммаси ҳақида ҳикоя қилишнинг имкони йўқ. Лекин шу нарсани таъкидлаш лозимки, бўлим ходимлари қай бир иш билан шуғулланаётган бўлишмасин, қоғозбозликка ва расмиятчиликка эмас, асосан одамлар орасида жонли, ижодий иш юритишга, камчилик ва нуқсонларга қарши принципиал иш олиб боришга, куртак ёзаётган илғор иш усулларини қўллаб-қувватлашга интилади. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида партия ташкилотлари фаолиятида худди шундай муҳитни қарор топтириш муваффақиятларнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланди. Демак, Ленин райкомининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими ходимлари ижодий йўлдан бормоқдалар.

С. АЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Педагог ўйлари

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Табиатшунослик фанларидан физикани ўқиш жараёнида, биринчидан, ўқувчиларнинг билим савияси кенгайиб материалистик дунёқараши ривожланса, иккинчидан, уларда физика билан ёндош фанларни онгли равишда ўрганишга замин яратилади. Шунинг учун деярли барча олий ўқув юртларида — университет ва педагогика институтларининг табиий факультетларида, олий техника ўқув юртларида, медицина ва қишлоқ хўжалик институтларида кириш имтиҳонларининг бири, албатта, физика бўйича ўтказилади. Бу хил имтиҳонларни тўғри ташкил эта билишда гап кўп.

Маълумки, кейинги вақтда бир қатор олий ўқув юртларида физикадан кириш имтиҳонларини ёзма шаклда ўтказиш одат тусига кириб қолди. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтида ёзма иш вариантлари учта назарий савол ва битта масаладан иборат. Назарий саволларга жавоблар 0—5 балл, масала ечими эса 0—10 балл билан баҳоланади. Йиғилган умумий баллар миқдори 12—16 оралиғида бўлса, ишга «3», 17—21 бўлса «4», 22 ва ундан юқори бўлганда «5» баҳо қўйилади. Ёзма ишларни текшириш жараёнида «шифрлаш системаси» қўлланилиши эса абитуриентлар билимини ноўтўғри баҳолаш ҳолларига чек қўяди.

Кириш имтиҳонининг асосий вазифаси абитуриент билимини ҳар томонлама текшириб тўғри баҳолаш ва бу билан студентлар сафига энг муносиб абитуриентларни қабул қилиш ишига кўмаклашишдир. Шу боис физикадан ёзма имтиҳон жараёнида абитуриент билими етарлича намоён бўладими, бошқача қилиб айтганда, абитуриент ўз билимини етарлича баён эта оладими, деган муаммони атрофлича муҳокама этиб кўриш керакка ўхшайди.

Узоқ йиллар давомидаги кузатувларга асосланиб, мазкур саволга салбий жавоб беришга тўғри келади. Чунки, адабий асарга оид фикрларни баён этиш (яъни иншо ёзиш) билан физикага оид фикрларни баён этиш орасида каттагина фарқ бор. Физикадан ёзма имтиҳонда назарий саволларга жавоб бериш жараёнида ҳодиса ва қонунларнинг моҳиятини мисоллар билан шарҳлаб, фикрни мантиқий кетма-кетликда ривожлантириб бориш лозим. Аммо мактабларда физикадан назарий саволларга ёзма жавоб қайтариш талаб этилмаслиги туфайли абитуриентларда физикавий ҳодиса ва қонунларнинг моҳиятини ёзма баён этиш тажрибаси йўқ ҳисоб. Бу тажрибасизлик кириш имтиҳонларидаги ёзма ишлар билан танишганда яққол намоён бўлади.

Баъзи ёзма ишлардаги жумлалар ниҳоятда чигал, узуқ-юлуқ бўладики, бундай гаплар маъносини ёлғиз абитуриентнинг ўзи билиши мумкин, холос. Бу хил жавобни нотўғри деб баҳолашдан бошқа илож йўқ. Агар абитуриент билан суҳбатлашганда эди, қўшимча саволлар ёрдамида уни тўғри жавобга йўналтириш мумкин бўларди. Билими етарлича бўлмаган абитуриентга эса қўшимча саволларнинг фойдаси бўлмайди, албатта.

Айрим абитуриентларнинг жавоблари баъзан китоб саҳифаларига шу қадар мос бўладики, бундай жавобларни ёзган абитуриент ё китобий жумларни ёд қилиб юборган, ёҳуд китобнинг мазкур савол ёритилган саҳифаларини кўчириб олган деб ўйлаб қоласан. Имтиҳон ёзма бўлганлиги туфайли абитуриентнинг ҳақиқий билимидан қатъи назар мазкур жавоблар тўғри деб баҳоланиши шарт, албатта. Агар абитуриент билан суҳбатлашиш иложи бўлганда эди, қўшимча саволлар ёрдамида унинг билими ҳақида объектив фикрга келинарди.

Масала ечиш борасида вазият янада мураккаброқ. Умуман физикага оид масалаларни ечиш учун абитуриент математик аппаратдан фойдалана билишдан ташқари, масаладаги ошкор ва ноошкор шартларни тушуна билиши, масала заминида ётган ҳодиса ва қонунлар ҳақида яхшигина маълумотга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, боши берк кўчага кириб қолгандек, фикрлари чувалашиб кетади ва талайгина вақтини беҳуда сарфлайди. Шунинг учун масала ечиш жараёнида абитуриентларга, айниқса республикамиз қишлоқ мактабларини тугаллаган ёшларга, ўқитувчининг йўналтирувчи ёрдами зарур бўлади.

Шуларга асосланиб, қолаверса, республикамизнинг ўзига хос барча шароитларини ҳисобга олиб, олий ўқув юртларида физикадан кириш имтиҳонларининг оғзаки шакли абитуриентлар билимларини чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини беради, деб ўйлаймиз.

Р. БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўқув-методик Совети физика бўлимининг раиси, профессор.

О. АҲМАДЖОНОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг доценти.

ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда Наманган шаҳрида Фарғона водийси лекторларининг зонал семинари бўлиб ўтди. Унда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялаш тўғрисидаги қарорлари асосида илмий-техник ва иқтисодий билимлар пропагандасини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти директори ўринбосари профессор Р. Убайдуллаева, «Билим» жамияти республика ташкилоти илмий секретари И. Муракаев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти И. Семянников ва бошқа олимларнинг лекция пропагандасини янада яхшилашга бағишланган докладларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Қ. МАЛИКОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

АНДИЖОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Андижон — Куйганёр» маршрутидаги троллейбусларнинг график бўйича қатнамаётганлиги ҳақидаги хатда баён этилган айрим фактлар тўғри.

Шикоят хати троллейбус бошқармаси ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Троллейбус ҳайдовчиси Т. Абдуллаев қаттиқ жазоланди ва бошқа ишга ўтказилди.

Ҳозирги вақтда троллейбус график бўйича қатнамоқда.

УРГУТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» колхозининг ғуж қишлоғи бош план асосида кенгайиб янги кўчалар очилмоқда, бирок ҳали бу кўчаларга водопровод линияси ўтказилмаган.

Бу масалалар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» колхози правлениесида кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ҳозирги вақтда кўчаларга шағал ётқизилмоқда ва якин кунларда бу иш тамомланади.

«Узгипросельхозводснабжение» лойиҳалаш институти томонидан бу қишлоқни водопровод суви билан таъминлаш лойиҳаси тайёрланяпти. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлиши билан қурилишни амалга ошириш чоралари кўрилади.

Район Совети ижроия комитети юқорида қайд этилган ишлар устидан назорат олиб боради.

ГУРЛАН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Ҳақиқатан ҳам райондаги «Коммунизм» колхозининг «Оққум» турар-жой посёлкасини электрлаштириш электр узатиш линияларини қурувчи ташкилотларнинг айби билан анча кечиктириб юборилган. Бу турар-жой посёлкасини электрлаштириш 1982 йилда Хоразм область электр тармоклари корхонаси томонидан лойиҳалаштирилган ва 1983 йил электр узатиш линиялари қурилиши планига киритилди.

Ҳозирги вақтда ушбу план асосида «Оққум» турар-жой участкасида электр узатиш линияси қуриш ишлари бошлаб юборилган бўлиб, тез кунларда бу посёлкани электрлаштиришни тугаллаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани 1983 йилнинг 29 декабрида бажариладн. Плондан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча 30 минг тонна, шу жумладан, 1983 йил ҳосили учун 20 минг тонна шартли бирликдаги минерал ўғитлар ишлаб чиқариладн. Плондан ташқари 300 минг сўм фойда олинади.

(Чирчиқ «Электрохимпром»и ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ўн биринчи беш йиллиннинг учинчи йили учун олган социалистик мажбуриятларидан).

Чирчиқ кимёгарлари партиямиз XXVI съезди қарорларига асосланиб, беш йиллиннинг энг муҳим вазифасини бажариш: халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни купайтириш, сифатни яхшилаш борасида катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми бу умумхалқ ишига янги омиллар бахш этиб, меҳнаткашларни улкан марраларни эгаллашга чорлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқида маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ўстириш вазифаларини биринчи даражали ва мамлакат учун ҳаётий муҳим вазифа деб кўрсатиб ўтилди. Бирлашма меҳнат коллективи партиямиз даъватига амалий иш билан жавоб бериш учун бел боғлаб, 450 минг тонна аммиак ишлаб чиқарувчи комплексни созлаш ва ишга туширишни ишларини қизғин олиб бораяпти. Комплексни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги шарафига қуриб тугаллаш учун социалистик мусобақа қизиғиб юборилди.

Янги комплекс қурилишини чинакамига дўстлик қурилиши деб аташ мумкин. Москва компрессор заводи, Ленинграддаги В. И. Ленин номли Нева заводи, «Уралхиммаш», «Пензахиммаш», «Ригахиммаш» корхоналарининг ишчи коллективлари қурилишга кўплаб асбоб-ускуналар етказиб бериш-моқда. Янги замонавий машиналар меҳнат унумдорлигини янада оширади, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини яратади.

Чирчиқ «Промтехмонтаж» бошқармасининг бригадалари комплекс қурилишида жонбозлик кўрсатишаётир. Улар асосан бригада пудрати методи асосида ишлашмоқда. Слесарь-монтажчилар бригадаси етакчиси Е. Назаровнинг айтишича, у бошлиқ коллектив аъзолари турдош касбларни ҳам пухта эгаллаб олишган. Қўлинқўлга бериб ишлаётган турли миллат вакиллари — А. Гернер, И. Гетц, В. Галькин, Д. Неметов сингари пешқадамларни бу ерда ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Учинчи даража Меҳнат Шухрати ордени кавалери Б. Непомняшний бошлиқ коллектив айниқса қурилишда донг таратапти. Илғор бригадир СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бир неча бор қатнашчиси бўлган. У бошлиқ бригада социалистик мусобақада ғолиблиги қўлга киритган. Бугунги кунда илғорлар белгиланган иш нормасини ортиги билан бажаришга эришмоқдалар.

Бирлашган ўзар, дейди халқимиз. Чирчиқлик бунёдкорлар бир тан, бир жон бўлиб ишлаб кимёгарларнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти. Улар ваъдага вафо қилиб, янги комплексни Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги байрамига фойдаланишга топширишларига ишончимиз комил.

Суратларда: учинчи даражали Меҳнат Шухрати ордени кавалери, слесарь-монтажчилар бригадаси бошлиғи Б. Непомняшний ва аммиак ишлаб чиқариш бўйича комплекс қурилиш участкаларидан бири.



Р. Шамсутдинов фотолари. (ЎзТАГ).

ФАБРИКА ИШГА ТУШДИ

ТЎРТКЎЛ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Нукусдаги ип-газлама комбинатининг филиали — Тўрткўл тўқимачилик фабрикаси муддатидан анча олдин битказилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилишни «Союзмонтажлегмаш» трестининг Саратов шаҳридаги бошқармаси коллективи, «Қарақалпақирмонтажстрой» трестининг 35, «Кирккизсовхозводстрой» бирлашмасининг 30-механизациялашган кўчма колонналари қурувчилари олиб бордилар.

Йилига 10 миллион 91 минг погон метр ип газлама тўқиб чиқарадиган фабриканинг дастлабки маҳсулот бера бошлаши муносабати билан бу ерда кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов фабрика қурилишида қатнашган қурувчиларни қизғин табриклади. Қурилишда актив қатнашган қурувчилардан бир группасига Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган бинокор фахрий унвони берилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАРИ

«Союзгипролесхоз» институти Урта Осиё филиалининг илмий изланувчилар отрядлари дала мавсумини бошлаб юбордилар. Қизилқумда улар қум массивларини ўрганадилар, 200 минг гектар яйловга ихота дарахтлари ўтказиш лойиҳалари учун материаллар тайёрлайдилар. Бухоро ва Навоий областларидаги ўнта қоракўлчилик совхозидан ана шундай ишларни бажариш учун буюртмалар тушди.

Беш йиллик охиригача ўрмон ходимлари Қизилқумда экинзорларни ихота қилувчи полосаларни вужудга келтиришни кўзда тутмоқдалар. Бу ихоталар 230 минг гектардан ортиқ яйловларни шамол эрозияси ва қум кўчкиларидан ҳимоя қилади. (ЎзТАГ).

МАФКУРАВИЙ КУРАШ ЖАБҲАЛАРИДА

СОХТА КЎЗ ЁШЛАРИ

ёҳуд ислом дини «ҳимоячилари»нинг кирдикорлари ҳақида

Сўнгги пайтларда буржуазия пропагандаси империализмни зўр бериб «мусулмон халқларининг дўсти», «ислом дини ҳимоячиси» қилиб кўрсатишга уринмоқда. Бугунги кунда қатор мусулмон давлатларида маълум сабабларга кўра диний ҳиссиётларнинг жўш уриши, диний руҳдаги характларнинг кучайиши юз бермоқда. Зеро, бу давлатлардаги аҳолининг асосий қисми ҳали капитализмгача бўлган уклад билан боғланган, бунинг устига саводсиздир. Шу боисдан ҳам улар мусулмон урф-одатларини ижтимоий турмуш ва онгнинг ҳақиқий кўринишлари деб ўйлайдилар.

Кўпчилик маълум деҳқонлар, шаҳарлик камбағаллар, ҳунармандлар, ўқувчи ёшлар, ишсиз қолган ишчи ва хизматчилар, синфсизлашган гуруҳлар ўзларининг социал-сиёсий интилишларини, шу жумладан империализм ва янги мустамлакачилик зулмига қарши норозиликларини диний шаклда ифодалашлари табиий. В. И. Ленин ёзгандек «...диний ниқоб остида сиёсий норозилик рўй бериши ўз тараққиётларининг маълум босқичида жамма халқларга ҳам ҳос бўлган ҳодисадир».

Ислом дини идеологиясининг ўзи турли ижтимоий оқимларга ундан фойдаланиш учун асос беради. Қуръонда ҳам, ислом дини ақидалари қайд этилган бошқа ривоятномаларда ҳам адолатли жамият тузиш, жабр-зулмни юмшатиш, камбағаллар аҳволини яхшилаш тўғрисида даъватлар жуда кўп. Сўл мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларида ислом динининг айнан шу кўрсатмаларига таянib иш кўрдилар. Мусулмон мамлакатларидаги «ўрта қатлам» зиёлилари ва ишчиларнинг революцион қисми давримизнинг илғор ғоялари билан танишиб, у билан қуролландилар ва ўзларининг муайян шароитларига мослаштириб олдилар.

Бир қанча мусулмон мамлакатларида коммунистик ва революцион-демократик идоралар вужудга келди. Улар динга ишонувчиларнинг кенг оммаси ва мусулмон ташкилотлари билан биргаликда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш, меҳнаткашларни эксплуататорлар зулмидан озод қилиш, социал-иқтисодий тараққиёт йўлидан боришни талаб қилиб чиқа бошладилар. Жазоир, Сурия, Афганистон ва Яман Халқ Демократик Республикасида революцион демократлар ислом дини анъаналарини ҳисобга олган ҳолда омма қўпчилигининг мадади билан уларнинг манфаатлари йўлида катта ўзгартишларни амалга оширмоқдалар. Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати, Ливия ва Африканинг бошқа бир қанча мамлакатларидаги миллий-революцион кучлар Америка империализмига қарши чиқмоқдалар, дин ва олий табақа арбобларини сўл шиорлар остида бирлаштирмоқдалар.

Империалистик аралашув, капиталистик эксплуатация айни пайтда меҳнаткашларнинг диний анъаналар доирасида таркиб топган ахлоқ-одоб нормаларига ҳуружни ҳам билдиради. Ана шундай шароитда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг кенг қатламлари ислом динига ташқаридан тиқиштирилаётган турмуш тарзига қарши норозилик туйғуларини билдирмоқдалар. Чунки бундай турмуш тарзи олтинга сажда қилувчи, бойлик билан камбағаллик ўртасидаги айирмани янада чуқурлаштирувчи, илғор миллий маданиятнинг ўсишига ғов бўлувчи, зўравонлик, маънавий бузуқлик ва талон-торожни тарғиб этувчи маълум гуруҳларнигина вужудга келтиради.

Фақат маълумот олишдан маҳрум этилган оммагина эмас, балки маълумотли қатламнинг кўпчилик вакиллари ҳам империализмнинг суқилиб киришига хизмат қилувчи Ғарбий Европа ва Америка буржуазияси намунасида тузилаётган жамоат ва давлат тартиботларини рад этмоқдалар. Шу боисдан ҳам зиёлиларнинг кўпчилик қисми, айниқса майда ва ўрта миллий буржуазия вакиллари анъанавий мусулмон тартиботларига мурожаат қилиб, улардан ҳозирги замон проблемаларига жавоб топишга, бу тартиботларни озодлик кураши қуролига айлантиришга уринмоқдалар.

Сўнгги йилларда давлатлараро муносабатларга ислом динининг таъсири кучайиши сезилмоқда. Бу, энг аввало, капитализмнинг энергия-хом ашё проблемасининг кескинлашуви шароитида Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларининг роли ошганлиги билан боғлиқдир. Энергетика танглиги шунга олиб келдики, нефтга бой мамлакатлар ҳукмрон синфларининг қўлида жуда кўп капитал тўпланиб қолди. Шу региондаги бир қанча давлатларда ташқи сиёсатда олиб бораётган антиимпериалистик йўл феодалларгагина эмас, балки маҳаллий йирик буржуазияга ҳам қарши қаратилган ички ислоҳотлар билан тўлдирилди. Шунинг учун ҳам консерватив режимлар революцион-демократик кучларга қарши курашда ўз куч-ғайратларини уйғунлаштириш йўли ва усулларини қидира бошлашди.

АҚШнинг империалистик доиралари ва уларнинг Ғарбдаги иттифоқчилари Афганистондаги воқеаларни рўкач қилиб, мусулмон мамлакатларидаги реакцион кучларни антикоммунистик шиорлар остида бирлаштиришга уринмоқдалар. Улар мусулмонлар туйғусини антисоветизм ўзанига буриб юборморқчи, уни диний тусда ўтаётган миллий-озодлик ҳаракатига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши қаратмоқчи бўляптилар. Империалистик пропаганда Афганистондаги халқ манфаатлари йўлида амалга оширилган миллий-демократик революция гўё «ислом динига қарши», дея «исботлаш»га урияпти. Ҳолбуки, динга эътиқод қилувчиларнинг кенг қатлами ҳамда ватанпарварлик кайфиятидаги руҳонийлар янги ҳокимиятни қўллаб-қувватламоқдалар.

Афганистонда 1978 йилги Апрель революциясидан сўнг реакцион кучлар ислом динини ҳимоя қилиш шиори остида коммунизмга қарши кураш эълон қилдилар. Улар коммунизм аҳолининг асрий негизига, унинг анъанавий эътиқодига ва турмуш тарзига раҳна солади деб, сохта кўз ёши тўкдилар. Аксилинқилобчилар ўз шиорларини шариатнинг айрим қоидалари билан мустаҳкамлаб аниқ сиёсий мақсадни — АДР ҳукуматини ағдариб ташлаш ва монархия ёки консерватив ислом республикаси ўрнатиш мақсадини кўзламоқдалар. Улар қўпорувчилик ташвиқотига руҳонийларни ҳам кенг даражада жалб этишга уринаётирлар. Аксилинқилобчилар кўпинча мачитлар теварагида гуруҳлашиб, бу жойларни ўзларининг таянч пунктларига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Афганистонда дин пешволарининг революцияга салбий муносабатда бўлиши бир қатор омиллар билан белгиланади. Аввало, йирик руҳонийларнинг социал мавқеи шуни тақозо этарди. Зеро, улар революцияни ўз ғиҳнёзлари ва даромадларига бевосита хавф сифатида қабул қилдилар. Ағдариб ташланган эксплуататорлар ошкора қуролли курашга ўтиб, халқ ҳокимиятига қарши ислом динининг яшил байроғи остида «муқаддас урush» (жиҳад) бошлашга уринмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари — ҳаётга!

НАВОИЙ ОБЛАСТИ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ







Республикамизнинг кенжа Навоий областида пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни жадал тараққий эттириш учун катта имконият ва резервлар бор. Нурота, Конимех районлари чорвачилик, хусусан қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. Районларда озуқа етиштиришга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этилган.

Область меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида чорвачиликни янада ривожлантириш, маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ўн биринчи беш йиллик охирига бўлган даврга мўлжалланган режаларни аниқ белгилаб олдилар. Уни диаграммадан кўриш мумкин.

Хўш, зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун нималар қилинади? Ҳозир область хўжаликларида 58 минг бош сигир бор. Беш йиллик охирига бориб сигирлар сони 63 минг бошга етказилади. Маҳсулдорлиги кескин оширилади.

Гўштни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётир. Қорамоллар сони 1983 йилдагига нисбатан 3 минг бош оширилиб, 1984 йилда 148 минг бошга етказилади. 1985 йилда эса 152 минг бошни ташкил этади. Қорамолларнинг тирик вазни анча оширилади.

Область қўйчиликда республикада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Шу йилнинг январь ойи бошидаги маълумотга қараганда, хўжаликлар 1864 минг бош қўй-эчкига эга. Беш йиллик охирига бориб қўй-эчкилар сонини 2020 минг бошга етказиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда совлиқлардан эгиз қўзи олиш, наслга ўстиришга қолдириш кўпайтирилади. Айни кезда қоракўл тери тайёрлаш плани муваффақиятли адо этилиб, сорти яхшиланади. Бўрдоқичилик базаларининг фаолияти кучайтирилади. Бош чўпонлар, уларнинг ёрдамчилари бу йилги кўзилатиш мавсумини ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан қутиб олмоқдалар.

Чўчқачилик тармоғи бўйича ҳам кўп ишлар қилинаётир. Шу кунларда комплекслар, фермаларда боқилаётган 17 минг бош чўчқа 1984 йилда 20 минг бошга, беш йиллик охирида эса 24 минг бошга етказилади. Гўштга топшириладиган чўчқаларнинг тирик вазнини анча ошириш зарур. Бу чўчқабоқарларнинг қўлидан келадиган ишдир.

Областда йирик паррандачилик фабрикалари бор. Уларни кенгайтириш, қувватини ошириш биринчи ўринга қўйилди. Бундан кўзда тутилган мақсад 1985 йилгача паррандалар сонини ошириш билан парранда гўшти ва тухум тайёрлашни кескин кўпайтиришдир. Азамат паррандабоқарлар ва мутахассислар бу борада фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Чорва моллар ва паррандалар озуқа базасини янада мустаҳкамлаш соҳада муҳим вазифадир. Бу вазифани тўлатўкис адо этиш учун хўжаликларда махсус ем-хашак етиштирувчи бригадалар тузилди. Уларга етарли миқдорда ишчи кучлари, транспорт воситалари, ўғитлар, сув ажратиб берилмоқда. 1983 йилда 520 минг тонна, 1984 йилда 525 минг тонна, 1985 йилда эса 560 минг тонна озуқа тайёрлаш планлаштирилди. Шунга яраша чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Навоий область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари ўз имкониятлари даражасида белгиланган катта режаларни изчиллик билан амалга ошириш учун мусобақани кучайтирмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарори уларга ёрқин истиқбол сари шаҳдам одимлашларида жанговар программадир.

ТЕХНИКА ШАЙЛАНМОҚДА

Нишон районидаги «Оқ олтин» совхози меҳнат аҳли ўн биринчи беш йиллигининг учинчи йилида «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш тараддудини кўрмоқда. Бу йил 3,5 минг гектар ерда ғўза ўстирилиб, 6 минг тонна пахта етиштирилади. Ҳозир экин-тикин ишларининг қисқа муддатларда ўтказилишини таъминлаш мақсадида техника воситаларини ремонт қилиш жадал давом эттирилмоқда.

Шу кунгача устахонада 35 та чигит экиш сеялкаси, 35 та универсал трактор, 30 га яқин мола, 25 та ҳайдов тракторн, 32 та комплект борона сифатли ремонт қилиб бўлинди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

✦ ГААГА. Голландияда янги конституция кучга кирди. У 1887 йилдан бери амал қилиб келаётган конституциянинг ўрнини олди, бу ердагиларнинг уқтиришича, аниқроги уни бирмунча ўзгартирди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мана шу кўкларга кўтариб мақталган ва сал кам 20 йил мобайнида ишлаб чиқилган асосий қонунда мамлакатнинг ўткир социал-иқтисодий муаммоларини ҳақиқатан ҳам ҳал этишга қаратилган қондалар йўқ. Унда голландияликларнинг ҳуқуқларини «кенгайтириш» тўғрисидаги дудмал иборалар баён этилган, маъмурлар ишчиларни «иш билан таъминлаш», «аҳолининг фаровонлигини ошириш», «уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш» тўғрисида «гамхўрлик қиладилар» деб айтилган.

Мамлакат территориясида яшаб турган барча гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, диний, сиёсий, ирқий камситишга йўл қўйилмаслиги ҳақида конституцияга биринчи бор киритилган моддаларигина маҳаллий обзорчилар ҳақиқатан ҳам прогрессив модда деб атамоқдалар.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Ассом штатида якшанба куни маҳаллий қонун чиқарувчи мажлисга ва мамлакат парламентининг халқ (қуйи) палатасига ўтказилаётган сайловнинг учинчи, якунловчи давраси бўлиб ўтди. Матбуот хабарларига қараганда, бу давра маҳаллий миллатчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари сабабли штатдаги вазият тағин ҳам кескинлашган шароитда ўтди. Бу гуруҳлар Ҳиндистоннинг бошқа районларидан, шунингдек Бангладеш ва Непалдан кўчиб келган кишилар Ассомдан ҳайдаб юборилсин, деб талаб қилмоқдалар. Экстремистлар сайловни барбод қилишга уриниб, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари қилдилар.

Ҳиндистон ҳукуматининг вакиллари Ассомдаги сайловни тугаллашга қарор бериллганини неча марталаб айтган эдилар. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Деҳлида ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясининг парламент группаси аъзоларн ҳузурида сўзлаган нутқида Ассом аҳолисининг кўпчилиги, шу жумладан майда миллатлар маъмурларнинг штатдаги танг аҳволни бартараф этиш мақсадида қонун чиқарувчи мажлисга сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаганликларини таъкидлади.

✦ ТРИПОЛИ. Ливия қуролли кучлари ўз мамлакатининг суверенитети ва мустақиллигига ҳамла қилинишига йўл қўймайдилар ва Америка ҳарбийларининг игвогарлик ҳаракатларига кескин зарба берадилар, дейилади АҚШнинг шу мамлакатга қарши душманлик ҳаракатлари муносабати билан Ливия жамаҳирияси қуролли кучларининг Триполи радиоси орқали ўқиб эшиттирилган баёнотда.

АҚШ президенти Рейганнинг Ливия шаънига яна дўқ-пўписа қилганлиги — Америка империализмининг Ливия халқига ва унинг революцион ғалабаларига қарши кенг миқёсдаги кампаниясининг бир қисмидир, деб уқтирилади ҳужжатда.

Америка президентининг асоссиз даъволарига қарамақарши ўлароқ, Ливия ҳеч кимга таҳлика солаётгани йўқ, дейилади баёнотда. АҚШ президенти Ливияга қарши ҳарбий агрессия бошлаш учун баҳона қидириб, фактларни қасддан бузиб кўрсатмоқда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Товарларни ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг автоматлаштирилган системаси кенг жорий этилганлиги Чехословакияда савдо тармоқларн ишини анча яхшилаш имконини берди. Энди ЭҲМ магазинларга хизмат кўрсатувчи барча омборлар ва савдо базаларини бутунлай назорат қилиб турибди. Компьютерларнинг қўлланилиши 12 минг омборчи, товаровед ва бухгалтернинг ишини енгиллаштирди.

● ЛИССАБОН. Португалияда меҳнаткашларнинг забастоака кураши бир кун ҳам тўхтамаяпти. Мамлакатдаги энг катта кемасозлик ва кема ремонти корхонаси «Лижнави» меҳнатчилари қисқа муддатли иш ташлаш бошладилар. Улар маъмуриятдан ўтган йилнинг декабрь ойи ва бу йилнинг январь ойи учун ишчилар шу пайтгача олмаган иш ҳақининг дарҳол тўланишини талаб қилдилар.

● МЕХИКО. Мексика ўз бошидан кечираётган жиддий молиявий иқтисодий таиглик қўллаб кишиларнинг ишдан бўшатилиши ва ишсизликнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Кўплаб майда ва ўртача корхоналар ёпиб қўйилмоқда, катта завод ва фабрикаларда ишчилар бўшатилмоқда. Ишсизларнинг кўпайиб бораётганлиги Мексика жамоатчилигини янада ташвишлантирмоқда.

● РАНГУН. Бу ерда қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмларининг 20-Рангун ким ошди савдоси очилди. 13 мамлакатдан 160 дан ортиқ заргарлик фирмаларининг вакиллари унда иштирок этиш учун Бирма пойтахтига келишди. Мамлакатда 27 хил қиммматбаҳо ва ярим қиммматбаҳо тошлар, шунингдек кумуш ва дур кўплаб олинади. Қиммматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмларини экспорт қилиш Бирмага чет эл валютасини олишнинг энг муҳим манбаларидан биридир.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ КУЧИ

Вашингтон учун ташвишли пайтлар бошланди. Бутун дунёда Америка ҳозирги маъмуриятининг авантюрачилик сиёсатига қаршилик кучайиб бормоқда. Ғарбий Европа урушга қарши қудратли ҳаракат билан қамраб олинган. Оқ уйдагилар планеталари холис ниятли барча кишилар Совет Иттифоқининг кейинги вақтларда олга сурган муҳим тинчлик ташаббусларини, шунингдек Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг конструктив таклифларини, уларнинг қуролланиш пойгасини жиловлаш соҳасидаги конкрет программасини маъқуллаётганликларини кўрмасликлари мумкин эмас, албатта.

Хўш, НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари социализмнинг империализм агрессив режаларини барбод этишга қаратилган тинч дипломатия ҳужумига нима билан жавоб қайтармоқдалар?

Вашингтон ва Лондонда, Брюссель ва Боннда, НАТО мамлакатларининг бошқа баъзи пойтахтларида социализм ғояларининг жуда катта жозиба кучини камайтиришга уриниб, социалистик мамлакатларнинг таклифларини бузиб кўрсатмоқдалар, президент Рейган ўтган йил июнь ойида Лондонда сўзлаган нутқида эзлон қилган антикоммунистик «салб юришн» доирасида ҳамон психологик ва идеологик урушга умид боғлаётганлар. АҚШ вице-президенти Ж. Бушнинг Ғарбий Европага пропаганда мақсадида шов-шув кўтариб қилинган сафари ва Рейганнинг «Европа халқларига» қилган машъум мурожаати бунинг яққол намунасидир. Аммо пропаганда мақсадидаги бу найранг тескари натижа берди, холос. «Нью-Йорк таймс» газетаси Ғарбий Европада Рейганнинг мурожаатини «пропагандадан бошқа нарса эмас», деб атаб, уни ракеталар жойлаштирилмаслиги учун курашаётган Европа жамоатчилигига қарши қаратилган «тактик найранг» деб баҳоланаётганлигини эътироф этишга мажбур бўлди.

Тинчлик ва социализм ғояларининг таъсир кучи «совуқ уруш» маддоҳларини маконида саросимлик туғдирмоқда. Вашингтондагилар «Демократия ва оммавий дипломатия программаси» деб аталган программани жуда шошилинч равишда амалга оширишга киришганликлари тасодифий эмас. Бу программа Совет Иттифоқи ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатининг жозиба кучига қаршилик кўрсатишга уриниб, кўриш учун ишлаб чиқилган.

Аммо исбот қилиш мумкин бўлмаган нарсани қандай қилиб исботлаш керак? Халқлар Вашингтондаги раҳбарларнинг алжирашларига ишонмаяптилар. Халқлар СССРнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлар хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли асоси бўлган ташқи сиёсий ташаббусларини ядро уруши хавфини тугатишнинг реал йўли деб билмоқдалар.

В. МАТЯШ,
(ТАСС).

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

РАБОТ, 21 февраль. (ТАСС). Марокашнинг Хурибга шаҳрида совет маданияти ҳафталиги очилди. Ҳафталик программасида «СССР — мамлакат ва одамлар», «Москва ва москваликлар», «СССРнинг чет мамлакатлар билан ҳамкорлиги 60 йиллиги», «Совет Ўзбекистони» деган мавзулардаги фотокўргазмалар намойиш қилинади. «СССР халқлари амалий санъати», «Ўзбекистон ССР рассомлари графикаси» экспозициялари, совет сиёсий, бадиий, илмий-техникавий ва болалар адабиёти кўргазмаси очилди.

Хурибга кинотеатрларида совет фильмлари намойиш қилинмоқда.

АҚШ: ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОБРЎСИ ТУШИБ БОРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Президент Р. Рейганнинг обрўси тобора пасайиб бормоқда. «Ньюсдей» газетаси жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган савол-жавоб натижаларига қараганда, ҳозирги вақтда америкаликларнинг атиги 61 процента Оқ уй ҳозирги хўжайинининг фаолиятини ижобий баҳоламоқда.

Кейинги икки йил мобайнида мамлакатнинг ҳамма районларида аҳолининг барча группалари орасида Рейганни қўллаб-қувватловчилар камайганлигини савол-жавоб натижалари кўрсатиб турибди, — деб ёзади газета. — Уннинг республикачилар орасидаги тарафдорлари демократлар ёки мустақил сайловчилар орасидаги тарафдорлари миқдорида камайди деса бўлади». 1981 йилда, газетанинг маълумотларига кўра, америкаликларнинг 57 процента Рейганнинг иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаган бўлса, ҳозир уларнинг процента атиги 33 га тушиб қолди. Уннинг ташқи сиёсати тарафдорлари 50 процентдан 38 процентга тушди.

АҚШнинг урушдан кейинги тарихидаги президентлардан биронтаси ҳокимият тепасида икки йил турганидан кейин Рейганчалик обрўси тушмаган эди, деб уқтиради матбуот.

Сайловолди кампанияси пайтида кўплаб яхши ваъдалар берилди. Лекин янги маъмурият ҳокимият тепасига келган кунларидан бошлабоқ уруш ва қанотли ракеталар тўғрисида гапира бошлади. (Газетадан).

— СССР яна тинчлик ташаббуси билан чиқди!
— Демак, қуролланиш керак...

Рассом Б. ЖУКОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТИНЧ ҚЎЙИНГЛАР

Британия тахтининг вориси шаҳзода Чарльз ва унинг рафиқаси Диана дам олиш учун Альп тоғларига келишган эди. Лекин уларни дарҳол ҳар хил шов-шувга ишқибоз матбуот вакиллари қуршаб олишди. Мадридда чиқадиган «Пакс» газетасининг ёзишича, эллликка яқин журналист уларни қадам-бақадам кузатиб, жон ҳолига қўйишмади. Букингем сарайининг расмий вакили матбуот ходимларидан шаҳзода ва маликани «тинч қўйинглар» деб илтимос қилишга мажбур бўлди.

БОЛАЛАРНИ ЎҒИРЛАШЯПТИ

Канадада чиқадиган «Торонто стар» газетасининг ёзишича, АҚШда болаларни ўғирлаш борган сари кўпаймоқда. Ҳозир йилига 150 минг бола ўғирланмоқда. Гўдакларни болаларсиз оилага сотиш, фоҳишахоналарга пуллаш ва ота-онасидан бола учун катта пул ундириш ниятида ўғирлаш кетишаётир. Полиция ҳар қанча ҳаракат қилмасин, йўқолган ўнта боладан биттасинигина топишга муваффақ бўляпти. Шу боисдан ўғирланган болаларни қидириш учун махсус картотекалар тузилиб, уларнинг суратлари бутун мамлакат бўйлаб тарқатилмоқда.

Демократик ҳукуматга қарши қуролли курашга раҳбарлик қилаётган аксилинқилобий ташкилотларнинг аксарияти «ислом» номи билан аталмоқда. «Афғонистон ислом партияси», «Мусулмон биродарлар», «Афғонистон ислом миллий революцион партияси» ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари ташқаридан ёрдам кўрсатилаётган фаол ёрдамга таяниб, қуролланган қўпорувчи отрядлар тузмоқдалар. АҚШ, Покистон ва бошқа айрим мамлакатларнинг махсус хизматлари хорижий давлатларда, жумладан, Покистонда уя қурган аксилинқилобий афғон ташкилотлари билан алоқани давом эттириб, уларни АДР ҳукуматига қарши курашувчи ягона фронтга бирлаштириш мақсадини кўзламоқдалар.

Аксилинқилобий «ислом» ташкилотлари қуроллинг қуроллн босмачилик шаклидан ҳам, идеологик қўпорувчилик усулидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Улар Апрель революциясини, илмий социализмни, ҳукумат тадбирларини бадном қилиш ва шу йўл билан революция туфайли ўрнатилган тузумни ағдариб ташлаш мақсадида АДРнинг ички аҳволини беқарор этиш ва халқаро аҳволни мушкуллаштиришга, халқ ҳокимиятининг мавқеини бўшаштиришга уринмоқдалар.

Ҳукуматга қарши ташвиқотнинг асосий йўналишларидан бири «исломни ҳимоя қилиш» ғояси бўлиб, халқ режимини даҳрийликда айб лашга зўр берилмоқда. Аксилинқилобий мафкурачилар, асосан руҳонийлар, АҲДПни мамлакатда ислом динини тугатишга интилишда айбламоқдалар. Гўё шу мақсадда мачитларга ўт қўйилаётган, муқаддас китобларг ёндирилаётган, мусулмонларга диний ибодатларни бажариш ман этилаётган, мактабларда болаларни даҳрийликка ўргатилаётган эмиш ва ҳоказо. Афғонистондаги аксилинқилобий элементлар ўз айбномаларини далиллар билан исботлашга уринib, мачитларга ивогарона ўт қўймоқдалар, «муқаддас жойлар»ни таҳқирламоқдалар. «Қуръон»ни йиртиб, унинг варақларини жамоат жойларига сочиб юбормоқдалар, АҲДП номидан, партия тарғиботчилари ниқоби остида диндорлар ҳузурида ивогарона нутқлар сўзламоқдалар.

Душман пропагандаси совет-афғон ҳамдўстлигини бузиб кўрсатиб, СССР «Афғонистонни босиб олиб, у ерда ўз тартибларини ўрнатмоқда», «муқаддас ислом динини таҳқирлаяпти» деб бўҳтон ёғдирмоқда. Ички ва ташқи аксилинқилобий кучлар ҳамда мусулмон реакционерлари томонидан авж олдирилаётган бундай ташвиқот аҳолининг айрим қолоқ ва сиёсий саводсиз қисмига таъсир кўрсатмасдан қолмади, албатта. Муллалар оммининг жаҳолатда сақлаб келингнидан фойдаланиб, уларни «коллективизмнинг даҳрий коммунистик ғоялари» билан қўрқитмоқдалар. Бу ғояга мувофиқ гўё фақат ергина эмас, балки уй, хотин ва болалар ҳам ўртада бўлармиш. Реакцион руҳонийлар, аҳолини саботажлар ўтказишга даъват этиб, илғор ўзгартишларни амалга оширишга қаршилик қилмоқдалар. Бундай ўзгартишлар ислом дини ақидаларига зиддир, дея АҲДП аъзоларига, халқ ҳокимиятига хайрихоҳ меҳнаткашларга, мактаб ва саводсизликни тугатиш курслари ўқитувчиларига нисбатан суиқасд уюштиришни қўллаб-қувватламоқдалар, мактабларга ўт қўйишда иштирок этмоқдалар.

Афғонистонда революциянинг ривожланиши муносабати билан бизнинг ғоявий мухолифларимиз асосий эътиборни «мусулмон оммаси»га қаратмоқдалар, Ўрта Осиё халқларига нисбатан совет миллий сиёсатига қўпол равишда туҳмат қилмоқдалар, СССРдаги «мусулмон халқларнинг пассив қарамлиги»дан ташвиш чекмоқдалар, гўё бизнинг мамлакатимизда ислом дини тарафдорлари «таъқиб» қилинар эмиш. Ҳолбуки, бизда диний маросимларни, шу жумладан ислом дини маросимларини ўтказиш имкониятлари мавжудлиги ҳаммага маълум.

Буржуа идеологлари совет халқларининг қардошларча дўстлигига путур етказиш мақсадида зўр бериб «руслаштириш» тўғрисида афсоналар тарқатишяпти, миллий республикаларни «эксплуатация» қилишяпти, деган уйдирмаларни тўқишяпти. Буни қарангки, миллий республикаларнинг СССР составига бирлашуви гўё «Москвага фойдали» эмиш, анъаналар, хусусан Ўрта Осиёда, унутиб юборилган, миллий маданият хазинаси «социализм ва интернационализм денгизига чўктириб юборилган» эмиш. Ҳаёт бу уйдирмаларни бутунлай рад этяпти. Экономиканинг жадал ривожланиши, замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги ва фан, маданият равнақи — буларнинг ҳаммаси бугунги кунда совет республикаларидан ҳар бири учун характерли хусусиятлардир.

Совет Иттифоқи Шарқ халқларига ҳақиқий дўстдир ва шундай бўлиб қолади. Совет давлатининг Россия ва Шарқнинг мусулмон меҳнаткашларига муносабатини ифодалаб, В. И. Ленин: «Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза беринг. Бунга ҳаққингиз бор, — деб ёзган эди. Октябрь революциясидан сўнг собиқ чор Россиясининг барча халқлари, шу жумладан ислом динига эътиқод қилган халқлар ҳам ўз олдиларида турган иқтисодий, социал, маданий муаммоларни ҳал этдилар, ўз тараққиётида, турмушда шундай даражага эришдилларки, бу Осиё ва Африкадаги юз миллионлаб мусулмонларга орзу бўлиб қолмоқда. СССР оммининг диний ҳиссиётларини ҳурмат қилиб, империалистик зўравонлик ва эксплуатацияга қарши, ўз тақдирини ўзи белгилаш учун, озодлик, мустақиллик, иқтисодий ва социал тараққиёт учун кураш олиб бораётган барча мусулмонларга бирдамлик ва дўстлик қўлини узмоқда.

Жаҳондаги мафкуравий вазиятга хос хусусиятлардан яна бири халқларнинг мустақиллик учун курашда антиимпериалистик йўналишнинг кучайганлигидир. Озод бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги социалистик ориентация йўлини, социализм қуриш йўлини танладилар. Халқаро ишчилар ҳаракати ҳам уруш ва тинчлик проблемаларини ҳал қилишда ўзини борган сари активроқ намоён қилмоқда.

Бизнинг синфий мухолифларимиз марксча-ленинча таълимотга, реал социализм практикасига ҳужум қилмоқдалар, социализм мамлакатларининг экономика ва социал соҳадаги тарихий ғалабаларини камситмоқдалар. Буржуазия пропагандасининг асосий йўналиши антикоммунизм бўлиб, коммунистик партиялар ўртасидаги, социалистик мамлакатлар ўртасидаги бирликка путур етказишга қаратилгандир. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши машъум «психологик уруш» ҳа авж олдирилаётир. Буржуазия матбуоти «ахборот эркинлиги», «ғоялар алмашув эркинлиги» ҳақида сафсата сотмоқда. Амалда эса антисоциалистик ташвиқот «эркинлиги»ни, ёлғон-яшиқ ахборлар ва бўҳтонлар тарқатиш «эркинлиги»ни назарда тутмоқда.

Социализм мамлакатларига қарши қаратилган империалистик пропаганда фаолиятида радиоэшиттириш етакчи ўрин эгаллайди. Ҳозирги назариётчиларнинг фикрича, радиоэшиттириш «психологик уруш»нинг энг таъсирчан воситасидир. Сўнгги пайтларда Ўрта Осиё совет республикалари халқлари тилларида, СССРдаги бошқа миллий тилларда эшиттиришлар, айниқса, кенгайди. Ёлғон ва бўҳтоннинг энг ўтакетган манфур усулларидан фойдаланаётган антисоветчилар миллатчиликнинг барча кўринишлари — реваншизм, шовинизм, ирқчилик, сионизмни ишга солмоқдалар.

Бизнинг Ватанимиз — ягона аҳил оила — совет халқи оиласига бирлашган эркин ва тенг ҳуқуқли миллат ва элатлар мамлакатидир. Халқимиз қардошлари ва ўзаро ҳурматининг узилмас ришталари — социалистик Ватан қудрати ва равнақ топишининг буюк муваффақ кучи ва битмас-туганмас қаётбахш чашмасидир. Жамиятимиз ўз ғоявий ва сиёсий жиҳатлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи, марксизм-ленинизмнинг барҳаёт ғоялари, коммунистик қурилишнинг улуғ иши билан бирлашган халқларимиз дўстлиги туфайли қудратлидир. Антикоммунизм ва антисоветизм маддоҳларининг совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигига путур етказиш, коммунистик ҳаракат сафларини бузиш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари жипслигига раҳна солиш йўлидаги уринишлари барбод бўлиши шубҳасиз. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, турли-туман диний ташкилотлардаги энг ашаддий ёвуз муталлар билан тил топишган реакцион кучлар соясида иш кўраётган антикоммунизм ўз ихтиёри билан асло таслим бўлмайди.

Мафкуравий курашда тинч-тотув яшаш мумкин эмас. Идеология соҳасида социализм ва капитализм бир-бирига қарама-қарши туради. Империализм реал социализмга, миллий озодлик ҳаракатига қарши ўз фаолиятида миллатчиликка катта умид боғлаётганини асло унутмаслик керак. Халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатида миллатчилик тенденцияларини кучайтиришга уринишларнинг олдини олиш, миллий масала бўйича марксча-ленинча таълимотни, умуман марксчи-ленинчиларнинг дин масаласига муносабатини бузиб кўрсатувчиларни далиллар асосида фош қилиш лозим. Айни пайтда капитал дунёсида миллий зулм ва тенгсизликни тугатиб бўлмаслигини, озод бўлган мамлакатлар халқларига империализм томонидан тиқиштириладиган муносабатларнинг талончилик характерини равшан кўрсатмоқ зарур.

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Ю. В. Андропов СССР 60 йиллигига бағишланган докладида қайд қилганидек, «Совет Иттифоқининг мустаҳкамлигини тугатиш йўлидаги актив ва қатъий кураши, халқлар озодлиги ва тенг ҳуқуқлилиги ишини муттасил қўллаб-қувватлаб келаётганлиги халқларнинг озодлик ва тараққиёт сари йўлини енгиллаштирмоқда. Осиё ва Африка, Араб Шарқи ва Лотин Америкаси халқлари буни яхши биладилар». Совет кишилари социал тараққиёт йўлидан бораётган халқларга мустақилликни мустаҳкамлашда, фаровонлик ва тинчлик учун курашда катта муваффақиятлар тилайдилар.

Анвар ҚОСИМОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

ЮЛИУС ФУЧИК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ОТАШИН ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ

Бу ерда, Ўзбекистонда, бу собиқ мустамлака ўлканинг ажойиб ва гуллаган қувноқ бағрида коммунизм узоқ келажак орзуси эмаслигини аниқ ҳис қиласан.

Ю. ФУЧИК.

БУ САТРЛАР 1935 йилда ёзилган. Ўшанда, «Руде право» газетасининг Москвадаги мухбири бўлиб ишлаётган Юлиус Фучик Ўзбекистонга иккинчи бор келганди. Улуғ Октябрь туфайли озодлик ва бахтга эришган янги дунё кишиларини у диққат билан кузатар, уларнинг бунёдкорлик ишларидан чексиз завқланарди. Ўрта Осиё аҳолисининг сермазмун ҳаёти ҳақида ажойиб чех журналисти ўнлаб очерк ва репортажлар ёзди. Ўша пайтда бу очерклар «Руде право» газетасида ва бошқа нашрларда босилди, радио орқали эшиттирилди.

Совет ҳокимияти йилларида Ватанимизнинг бошқа қардош республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам экономика, фан, маданият, халқ фаровонлиги беҳад юксалди. Совет Ўзбекистони СССР қардош халқларининг ленинча дўстлиги, қалин ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами туфайли эришган улкан ютуқларни, унинг бир вақтлардаги қолоқ миллий ўлкадан ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб-яшнаган республикага, Осиёнинг энг илғор давлатларидан бирига айланганини кўриб, Юлиус нақадар қувонган бўлиши мумкин эди!

Лекин Фучик буни олдиндан билган эди, деб айтиш мумкин. Оташин коммунист-интернационалист Юлиус Фучик совет кишилари меҳнаткашларининг кўплаб авлодлари орзуларини амалга оширишларига чўқур ишонар эди. Янги дунё қурувчиларининг ютуқларида у ўз ватанининг порлоқ келажагини кўрарди. 1930 йилда Ўрта осиёлик дўстларига ҳадя этган фотосурати орқасида: «Социалистик Прагада хуш кўришгунча!» деб ёзиши бежиз эмасди.

23 февралда у 80 ёшга тўларди. Бу у яшаган умрдан икки баробар кўпдир. Бироқ у бир неча умрга татийдиган иш қилиб кетди. Юлиус 1903 йили Прагада, ишчи-металлург оиласида туғилди. Унинг оиласи Пльзенга кўчиб келгач, Юлиус ишчилар синфи вакиллари турмуши, меҳнати, алам-у ҳсталари билан яқиндан танишди. Шундан сўнг у ўз йўлини — халқ бахти учун кураш йўлини танлади.

ЮЛИУС ФУЧИК 1928 йилда «Творба» ҳафталигининг редактори бўлади ва ҳадемай уни кескин сиёсий йўналишдаги матбуотга айлантиради. Айни пайтда у ЧКПнинг марказий органи «Руде право»да мухбир бўлиб ҳам ишлай бошлайди. Унинг ўша йилларда ёзган мақолалари, очерк ва репортажлари партия публицистикасининг ҳақиқий намуналаридир.

1930 йилда у ишчилар делегацияси составида биринчи бор Совет Иттифоқита келади. Сафар натижаси ўлароқ очерк ва репортажлар тўплами — «Бизнинг эртаги кунимиз кечаги кунга айланиб қолган мамлакатда» китоби вужудга келди. Бу китоб социализм тузумининг капитализмдан устунлиги, Советлар мамлакатида юз бераётган ажойиб ўзгаришлар, социалистик жамиятнинг янги кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

1934-1936 йилларда Юлиус Фучик «Руде право» газетасининг Москвадаги мухбири бўлиб ишлайди, мамлакат бўйлаб кўп кезади, Ўзбекистонда, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлади. «Совет Ўрта Осиёси бўйлаб бир бор айлансанг, — деб ёзган эди у «Ўрта Осиё экзотикаси» очеркида, — бу диёрни жон дилингдан севиб қоласан ва унга қайта-қайта келаверасан...».

1936 йилда Юлиус Фучик СССРдан ватанига қайтади. Чехословакияда у актив публицистик фаолиятини кучайтиради. Ўз мақолаларида қонхўр фашизмнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлайди, барча антифашистик кучларни жипслашишга чақиради.

Мюнхендаги тил бириктирув оқибатида 1939 йилда Чехословакия гитлерчилар қўшини томонидан босиб олинди. Коммунистик партиянинг кўпгина аъзолари сингари Юлиус Фучик ҳам яшириН ишлашга мажбур бўлди. Жуда оғир шароитда у брошюралар, варақалар чиқаради, ЧКП Марказий Комитетининг яширин чиқаётган органи «Руде право»га редакторлик қилади. Марказий Комитетнинг биринчи состави қамоққа олингач, Фучик Марказий Комитетнинг иккинчи состави аъзолигига сайланди. Унга яширин равишда чиқаётган барча партиявий нашрларга раҳбарлик қилиш топширилади. У, бўйсунмаган халққа ватанпарварлик чақириқлари билан мурожаат қилади, гитлерчилар ташвиқотининг сохталигини фош этади ва фашизмнинг шубҳасиз тор-мор келтирилишига халқ ишончини мустаҳкамлайди.

Гестапо жосуслари Юлиус Фучик изига тушадилар ва 1942 йилнинг 24 апрелида уни ҳибсга оладилар. Прагадаги Панкрац турмасининг 267-хонасига ташланган журналист шафқатсиз қийноқлар, дўқ ва пўписаларга дучор қилинди. Лекин буйсунмас коммунист иродасини ҳеч нарса бука олмади. У қийноқларга мардларча бардош берди ва коммунистик ғояларга содиқ қолди. 1943 йилнинг ёзида уни Германияга олиб кетишди ва у 8 сентябрда гитлерчи жаллодлар томонидан қатл этилди. Гувоҳларнинг ҳикоя қилишича, уни қатлга олиб кетаётганларида «Интернационал»ни куйлаган, бошқалар унга жўр бўлишган.

Панкрац турмасида Юлиус Фучик ўзининг сўнгги — «Дор остидаги сўз» асарини яратди. Бу асар учун унга ўлимидан сўнг Халқаро тинчлик мукофоти берилган. Мазкур асар хатлардан ташкил топган бўлиб, улар жуда мушкул йўл билан ташқарига олиб чиқилганди. Урушдан сўнг Густа Фучикова дўстлар ёрдамида бу хатларни тўплаб, нашр қилдирди. Тез орада у бошқа тилларга таржима қилиниб, кўплаб мамлакатларга тарқалиб кетди. Унинг якунловчи «Одамлар, мен сизни севар эдим. Хушёр бўлинглар!» сатрлари бутун дунё бўйлаб барча қурашчиларни озодлик ва мустақиллик учун курашга қарши чақирувчи даъват бўлиб жаранглайди. Америка империалистлари ва уларнинг агрессив НАТО блокидаги шерикларининг айби билан халқаро вазият кескинлашган ва жаҳон ядро уруши хавфи кучайган бугунги кунда бу даъват, айниқса, актуалдир.

БУТУН МАМЛАКАТДАГИ сингари Ўзбекистонда ҳам Юлиус Фучикни севадилар ва яхши хотирлайдилар. Жиззах областидаги посёлка ва совхоз, бир қанча шаҳарлардаги кўчалар, мактаб, кутубхона, пионер дружиналари, интернационал дўстлик клублари унинг номи билан аталмоқда. Китоблари кўп марталаб ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди. Республика партия ва ҳукуматининг кўрсатмаси билан Тошкентда буғтур Юлиус Фучик музейи очилди. Қардошлик рамзи бўлиб қолган бу музей меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шубҳа йўқки, СССР ва ЧССР халқлари ўртасидаги бу бузилмас дўстлик ҳар иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида янада ривожланаверади.

И. МОРОЗОВ.

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси секретарининг ўринбосари.



ТОШКЕНТ. Ю. Фучик номли кўча. А. Горокрин фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

УСМИРЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Чимён тоғи бағрида бунёд этилган ажойиб спорт комплексида бир неча кун давом этган халқаро турнир якунланди. Социалистик мамлакатларнинг командалари «Дўстлик» совғини учун астойдил курашдилар. Мусобақанинг сўнгги куни старт майдонига 43 нафар чангичи кўтарилди. Улар 610 метрли қиялик бўйлаб 65 дарвоза орқали слалом бақсида ўзаро курашдилар. Бу safар СССР терма командасининг аъзолари юқори натижага эришишди. Чунончи Сергей Петрик икки кураш бўйича 1 минут 38,01 секундлик натижа билан муваффақият қозонди. Ғолибдан 0,02 секунд орқада қолган Андрей Шелепев иккинчи ўринни олди. Унинг командадоши Вадим Янгаленко фахрли учинчи ўринга кўтарилди.

Мусобақа мобайнида Чехословакия ҳамда Болгария чангичилари совриндор ўринларни эгалладилар. Чехословакиялик Людмила Меланованинг маҳорати мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Унинг юртдоши Михаил Гошек ҳам ғалаба чангичиларидан эканини кўрсатди. Мусобақада республикамиз чангичилари ҳам бўш келишмади. Уларнинг маҳоратлари ошиб бораётганлиги кўзга ташланди. Жумладан, Родион Стенин гигант-слалом бақсида 40 дан зиёд чангичи орасида 13 ўринни эгаллаган бўлса, Дмитрий Чабан слалом бўйича кучли ўнликдан жой олиб, мутахассисларни мамнун этди. Ўрта Осиёда биринчи марта ўтказилган халқаро мусобақа ёш чангичилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди.

Баҳслар ва ғолиблар

● **СУЗИШ.** Москвада СССР қишки чемпионати давом этмоқда. Тошкентлик С. Заболотнов 200 метрга чалқанча сузишда 2 минут 1,54 секундлик натижа кўрсатиб, кумуш медали совриндори бўлди.

● **ФУТБОЛ.** СССР кубоги учун ўтказилган дастлабки учрашувлардан кейин «Гурия» (Ланчхути), «Ротор» (Волгоград), «Динамо» (Киров), «Қайрат», «Искра» (Смоленск), «Колос» (Никополь), «Таврия», «Кубань», «Локомотив» коллективлари ўйиннн давом эттирадиган бўлдилар.

Ахборот

МУНОСИБ СОВҒА

Яқинда Ўзбекистон кўрлар жамияти аъзолари муносиб совға олишди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида улар учун юрак ва асаб касалликлари санаторийси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу санаторийда 250 киши дам олади.

А. ХАЙДАРОВ.

50 ТИИИНГА «ВОЛГА»

Андижон район бош пиллахонасининг агрономи Р. Каримов ДОСААФ лотереясининг ўтган 1982 йил биринчи чиқарилишидан 10 дона сотиб олган эди. Шу билетларнинг 050 серияли, 711388 номерли лотереясига ГАЗ-24 «Волга» машинаси ютуғи чиқди.

Н. ИНОҚОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 3% ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 133-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1983 йил 15 февралда Ашхобод шаҳрида ўтказилди.

ЗАЕМНИНГ ҲАММА ЮЗ БИР РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100382	40*)	1000	135095	50*)	500	168429	15*)	500
100973	45*)	500	135815	39*)	500	169051	24*)	500
102147	24*)	500	136183	1—50	40	170057	05*)	500
103650	12*)	500	136272	20*)	1000	170417	34*)	500
104199	36*)	500	136289	06*)	500	171161	31*)	500
104739	16*)	1000	137118	34*)	500	171299	41*)	500
105164	12*)	500	137586	1—50	100	175149	49*)	500
106578	32*)	500	138123	40*)	500	176765	38*)	500
106987	10*)	500	138145	16*)	500	177760	25*)	500
107128	1—50	100	138316	34*	1000	178017	27*)	500
107954	31*)	500	139383	1—50	40	178627	27*)	500
108153	05*)	500	139894	28*)	2500	179037	35*)	500
108859	19*)	500	140787	1—50	40	179259	39*)	500
109037	1—50	100	141138	1—50	40	179409	35*)	500
109885	35*)	1000	141297	1—50	40	179538	46*)	2500
110378	37*)	500	141682	22*)	500	181018	1—50	100
111215	43*)	500	142366	1—50	40	181411	19*)	500
111547	40*)	500	142415	28*)	1000	181962	18*)	1000
111752	22*)	500	142745	39*)	500	182251	15*)	500
112275	20*)	500	142776	38*)	5000	182295	1—50	40
112380	25*)	1000	145194	15*)	2500	182458	1—50	40
112408	1—50	100	146218	1—50	40	183093	1—50	40
112646	09*)	2500	147764	19*)	500	183331	1—50	40
113305	05*)	500	148650	1—50	40	183984	12*)	500
114099	1—50	40	149165	43*)	500	183989	1—50	40
114244	1—50	40	149337	47*)	1000	184807	15*)	500
114549	34*)	500	149777	01*)	1000	185744	26*)	1000
114734	32*)	500	150467	26*)	500	185870	33*)	500
115144	27*)	500	150793	03*)	500	186427	09*)	500
115488	1—50	40	151337	30*)	500	186509	02*)	500
115724	1—50	100	151907	1—50	40	186909	30*)	500
116924	32*)	500	152160	05*)	500	187305	25*)	500
117028	1—50	100	152378	17*)	500	187435	49*)	500
118484	1—50	100	153857	1—50	40	187672	1—50	40
118992	44*)	500	154125	11*)	500	187961	26*)	500
120340	39*)	500	154554	24*)	500	188135	1—50	40
120514	05*)	500	155000	21*)	500	188483	20*)	500
121746	45*)	1000	155401	13*)	2500	188573	05*)	500
122550	10*)	5000	156303	13*)	500	188589	34*)	500
122756	11*)	500	156467	26*)	500	189154	24*)	500
122924	08*)	500	157194	12*)	500	189336	1—50	100
123848	45*)	500	158107	27*)	500	189351	40*)	1000
123909	1—50	40	158398	1—50	40	191532	01*)	500
124449	32*)	500	158460	1—50	40	191604	06*)	500
124644	1—50	100	160376	20*)	500	191951	23*)	1000
124838	1—50	40	161171	1—50	100	192057	1—50	40
124879	03*)	500	161259	18*)	500	192986	15*)	1000
125083	31*)	500	161288	07*)	500	193268	1—50	100
126659	14*)	1000	161674	22*)	500	194267	25*)	500
127231	39*)	500	161942	43*)	1000	194588	1—50	100
127395	24*)	500	162156	1—50	40	195117	48*)	500
127692	1—50	40	162378	1—50	40	195840	31*)	500
128647	1—50	40	163169	43*)	1000	195843	06*)	500
128749	1—50	100	164828	03*)	500	196570	1—50	40
128925	48*)	500	165091	33*)	500	196975	1—50	40
131169	38*)	1000	166071	25*)	500	197006	20*)	500
131208	08*)	500	166154	29*)	500	197519	1—50	40
131921	1—50	40	166402	40*)	500	197772	1—50	40
132370	29*)	500	166573	1—50	40	198562	03*)	500
132393	16*)	500	166857	38*)	500	198843	01*)	500
132405	21*)	500	167020	1—50	40	199077	07*)	500
133250	15*)	1000	167227	49*)	500	199223	1—50	40
133288	21*)	500	167991	1—50	100			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган. Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Ашхобод шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — А. С. РИЗАЕВА.

Комиссиянинг масъул секретари — В. П. ЗАМОЛОДЧИКОВА.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 9-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1983 йил 15 февралда Ашхобод шаҳрида ўтказилди.

ЗАЕМНИНГ ЕТТИТА РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200770	083*)	1000	231758	1—100	250	270064	1—100	500
201185	005*)	1000	233998	041*)	500	271362	1—100	100
201740	057*)	500	234352	096*)	5000	271755	088*)	2500
201787	052*)	500	235019	071*)	2500	272983	089*)	5000
201950	009*)	500	235163	091*)	1000	273503	095*)	1000
202672	073*)	2500	235276	074*)	1000	273888	002*)	500
204008	003*)	2500	236190	020*)	500	274063	030*)	500
204069	084*)	500	236620	057*)	500	274184	1—100	250
205079	1—100	100	236979	052*)	500	274468	037*)	1000
205546	008*)	1000	237384	052*)	500	276155	1—100	100
205866	1—100	100	237899	074*)	2500	276228	039*)	500
206531	043*)	500	238165	009*)	1000	276524	085*)	2500
207273	1—100	250	239006	100*)	1000	277173	081*)	2500
207387	063*)	500	239170	1—100	250	278132	1—100	100
207388	069*)	500	239634	060*)	500	278255	031*)	1000
208498	088*)	1000	241152	045*)	500	278411	085*)	1000
208528	005*)	2500	241684	064*)	500	278679	070*)	500
210102	045*)	1000	243190	1—100	100	279282	055*)	500
210592	1—100	100	243941	077*)	1000	279296	077*)	2500
211833	1—100	250	243956	089*)	500	279563	038*)	500
212384	019*)	500	243989	1—100	100	279671	1—100	100
212667	1—100	250	244159	1—100	250	279781	015*)	1000
213936	1—100	100	244383	001*)	1000	279819	1—100	250
213988	040*)	1000	245091	090*)	500	279822	1—100	100
215157	002*)	1000	245537	079*)	500	280305	1—100	250
215402	001*)	1000	245881	1—100	100	281357	1—100	100
215731	018*)	1000	246537	071*)	500	281811	029*)	500
215826	1—100	100	247080	007*)	1000	282027	001*)	500
216347	073*)	1000	247351	080*)	1000	282055	1—100	250
217303	1—100	100	247409	1—100	250	282749	1—100	100
217554	1—100	250	248145	026*)	1000	283369	084*)	2500
218352	038*)	1000	249156	1—100	100	284064	023*)	1000
218571	1—100	100	249218	096*)	500	284279	030*)	1000
219007	003*)	500	249709	060*)	1000	284543	053*)	1000
219420	080*)	1000	251116	013*)	500	285506	046*)	10000
219886	1—100	250	251200	045*)	2500	287052	094*)	500
219974	1—100	100	252915	081*)	1000	288421	076*)	1000
220739	060*)	1000	253461	038*)	2500	288512	1—100	250
221116	037*)	1000	253642	021*)	500	288530	096*)	500
221276	034*)	2500	253989	045*)	1000	289051	068*)	1000
222833	020*)	1000	255018	039*)	1000	289072	1—100	100
223472	1—100	100	256414	091*)	500	290871	1—100	100
223604	042*	1000	257511	1—100	500	291884	039*)	500
224117	012*)	5000	258075	1—100	100	291896	016*)	2500
224221	036*)	1000	258263	074*)	5000	292480	1—100	250
224809	1—100	100	258791	1—100	100	292600	1—100	250
224907	001*)	500	258867	077*)	500	292798	1—100	100
225106	064*)	1000	260884	017*)	2500	292854	1—100	100
225647	1—100	100	262294	092*)	2500	293896	1—100	100
225669	072*)	2500	263159	1—100	100	294095	050*)	1000
226719	1—100	100	263227	087*)	1000	294106	059*)	1000
227021	020*)	1000	263363	024*)	500	295727	1—100	250
227403	027*)	1000	263577	014*)	1000	295899	055*)	500
227429	1—100	250	263684	1—100	100	296548	1—100	250
227538	078*)	2500	263888	1—100	100	296963	004*)	1000
227778	019*)	500	264731	051*)	500	297091	1—100	250
228370	098*)	500	264876	1—100	100	297129	058*)	2500
228975	1—100	100	264964	1—100	100	297721	001*)	500
229280	087*)	500	266129	1—100	250	298556	1—100	100
229357	018*)	1000	266185	074*)	2500	298564	1—100	100
229598	1—100	250	266925	1—100	100	298747	1—100	100
230309	056*)	500	267287	074*)	500	298971	1—100	250
230441	096*)	1000	267501	091*)	1000	299138	048*)	1000
230453	1—100	100	267796	038*)	1000	299140	039*)	500
230560	001*)	500	267820	071*)	1000	299400	031*)	500
231196	1—100	250	267998	1—100	100	299561	1—100	250
231331	056*)	5000				299777	029*)	1000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йиллик сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган. Йигирма беш сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги ҳамма омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Ашхобод шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. С. РИЗАЕВА.

Комиссиянинг масъул секретари В. П. ЗАМОЛОДЧИКОВА.

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича ўрта маълумотга эга бўлган

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

устки кийимларни тайёрловчи-тикувчи, озиқ-овқат ва саноат молларини сотувчи, ўқиш муддати — 6 ой, ошпаз, ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинади ва уларга ойига 30 сўмдан 70 сўмгача стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

Машғулотлар 1 мартда бошланади.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт, турар жойидан справка, ота ёки онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 4 дона фотосурат.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2 Қорақамиш массиви (42, 43, 43«а», 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати).

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Н. А. СЕМАШКО НОМЛИ КУРОРТОЛОГИЯ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

курортология ва физиотерапия (кардиология, асаб касалликлари) **бўйича клиник ординатурага**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар — эълон чиққан кундан бошлаб бир ойгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Ҳуршид кўчаси, 4-уй.

●

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЯТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг профессори ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II да Рўйхатларда йўқ, 23/Пда Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Пда Тўйдан олдин томоша (16.00).

СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ишлаб чиқариш бошқармаси ва меҳнатни илмий ташкил этиш марказининг Ўзбекистон филиали коллективлари директор ўринбосари С. Т. Тўхлиева онаси

Ихвал ТУХЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Полигон. Бадиий фильм. 1 ва 2-серийлар. 11.50 — Ўсмирлар пиқоди. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Концерт. 16.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.55 — Бутунқаҳон студентлар қишки ўйинларида. 17.25 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.55 — Илмий-оммабоп фильм. 18.25 — Горичлар, қаердасиз! 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Фан ва турмуш. 19.55 — Икки ўртоқ хизматда. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Киножурнал. 22.15 — Останкино концерт студияси да. 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45—Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 13.40 — Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — Шахмат мактаби. 14.15 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.05 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 15.35 — Улуғ Ватан уруши поэзияси. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 19.15 — Фильм-концерт. 19.45 — Ҳамдўстлик. 20.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Қиличбозлик бўйича халқаро турнир. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. Крылья Советов — Динамо (М).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Физика. 12.00 — Кинопрограмма. 13.00 — Оталар изидан борар солдатлар. Бадиий фильм. 17.55 — Сўз кетидан сўз келар. 18.15 — Ёзувчилар — болаларга. Жюль Верн. 18.45—Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ватанимизнинг содиқ посбони. 19.30—Ахборот. 19.45 — Б. Бойқобулов. Садоқат. Адабий театр. 20.10 — Телефильм. 20.30—Ахборот. 20.50 — Солдат мактублари. Концерт. 21.30—Время. 22.05 — Мустаҳкам озуқа базаси учун. 22.30 — 41-йил олмалари. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Инглиз тили. 18.45 —Телефильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ёшлик. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

23 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Икки ўртоқ хизматда. Бадиий фильм. 11.15 — Ҳужжатли фильмлар. 12.20 — Енгилмас ва афсонавий. Шеърий композиция. 12.50 — Ҳужжатли фильмлар. 13.15 — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Жанубдан келаётган Тачанка. Бадиий фильм. 16.45 — Бутун жаҳон студентлари қишки ўйинларида. 17.15 — КПСС XXVI съезди коммунистик тарбия ҳақида. 18.00 — Гражданлар уруши қўшиқлари. 18.30 — Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Армия генерали А. И. Белобородов билан учрашуви. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.35 — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти куни. СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари. Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов сўзи. 19.45 — Баҳорги чақириқ. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия. 23.45 — Дун